**Ушбу сонда:**
2 *Инсон ва қонун* РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ
3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДА
4 БИЗ ДУНЁНИ, ДУНЁ БИЗНИ ТАНИМОҚДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 март, чоршанба №50 (1267)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТАЛАБАЛАРГА КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИЯЛАРИ

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раёсати ҳам пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларни рағбатлантириш мақсадида ўнта стипендия таъсис этганди.

Мазкур стипендиялар ўқув муассасаси белгилаган миқдордан 50 фоиз ортиқдир. Эндиликда 10 нафар энг яхши талаба 2001-2002 ўқув йилининг биринчи ярми якунига асосан олти ой мобайнида Кенгашнинг стипендияларини оладилар.

Наврўз байрамига бағишланган йиғилишда талабаларга «Шаҳар касаба уюшмалари стипендианти» гувоҳномаси тантанали равишда топширилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

# ПРЕЗИДЕНТ МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

***Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Тошкентдаги Республика шошилинч тиббий хизмат илмий маркази ана шу ислоҳотлар самарасидир.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни ушбу муассаса фаолияти билан танишди.***



2002 йилга келиб Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кучли салоҳиятга эга янги тузилма шаклланишининг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. Бу даврда, жумладан, шошилинч тиббий ёрдам хизматининг барча бўғинлари учун даволаш-диагностика ва жиҳозлаш бўйича андозалар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази иш бошлагани мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу соҳасини янги босқичга кўтариш борасидаги улкан қадам бўлди. Санитария авиацияси ва тез ёрдам хизматини бирлаштирган бу муассаса республикамиздаги мазкур соҳани тўла қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Марказда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шинамлиги ва қулайлигига кўра халқаро андозаларга мос. Бу ерда дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган, юқори технологияга асосланган тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Тиббий жиҳозлар харид қилишга Испания ҳукуматининг 10 миллион евро миқдоридаги кредити ва Япония ҳукуматининг 7 миллион АҚШ долларига тенг гранти ажратилган.

Марказда тиббиётнинг диагностика, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, реанимация каби барча соҳалари мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг 12 филиали, туман ва шаҳарларда 171 бўлими очилган. Ушбу тизимни йўлга қўйиш жараёнида соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилди. Шифокор ва ҳамшираларнинг аксарияти АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларда малака оширган.

Марказда бир йўла 755 бемор даволаниш имконига эга. Ҳар бир беморнинг аҳволи марказлаштирилган тизим орқали кузатиб турилади.

Ислом Каримов марказ фаолияти билан танишар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

- Мавжуд замонавий техникани ишлата оладиган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор бериш керак. Чунки жиҳоз ҳар қанча замонавий бўлмасин, самарали ишлатилмаса, фойдаси кам бўлади. Шу билан бирга ушбу марказ шошилинч тиббий ёрдамни илмий ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиши, мавжуд ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил этиб бориши лозим.

Президентимиз мутасадди идоралар раҳбарларига ривожланган хорижий мамлакатларда мазкур соҳа мутахассисларининг малакасини муттасил ошириб боришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Президентимиз мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурининг биринчи босқичи ниҳоясига етаётганини таъкидлади. Бу дастурда халқимизга хос миллий хусусиятлар инобатга олинган. Тиббиётда пулли хизмат кўрсатиш босқичма босқич амалга оширилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари беморларни қабул қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш жараёни билан танишди. Ислом Каримов марказ ходимлари билан суҳбат чоғида муассаса фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фикрлар билдирди.



**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 2002 ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадларини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи - ойига 3945 сўм;

ёшга доир пенсия - ойига 7800 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 3945 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 7800 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 4725 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2002 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги ПФ-2893-сон Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 март

***Истиқлол йилларида мамлакатимиз банк тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Ўз навбатида банкларнинг мижозларига кўрсатадиган хизмат турлари ҳам ортаётир. Ана шундай хизматлардан бири - пластик карточкаларнинг жорий этилишидир.***

## ПЛАСТИК КАРТОЧКА – АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон банклар ассоциацияси Visa International CEMEA халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этган «Visa International интеллектуал карталари: жорий этишнинг стратегияси ва амалий жиҳатлари» мавзуидаги амалий семинар ана шу масалага бағишланди. Унда мамлакатимиз Марказий банки ҳамда тижорат банклари раҳбарлари, халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари, Банк-молия академияси ва бошқа иқтисодий йўналишдаги ўқув юртлари талабалари иштирок этмоқда.

Икки кун давом этадиган мазкур анжуманни ўтказишдан мақсад, аввало, банкларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларни пластик карточкаларни жорий этиш, электрон тўлов тизими ҳамда технологиялари билан кенгроқ таништиришдан иборат. Шу билан бирга, пластик карточкалардан фойдаланаётган хорижий давлатлар тажрибаси, бу борада Visa international CEMEA ассоциацияси билан ҳамкорликнинг йўналишлари ҳақида маърузалар ҳам тингланади.

**(ЎзА).**

## ЯШИЛ САРҲАДЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси йил бошидан буён корхона, ташкилот ва муассасаларга салкам бир миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берди. Яна 2 миллион 336 минг дона кўчат тахт қилиб қўйилган. Ўрмончилар ободонлаштириш ойлиги давомида 742 гектар майдонда янги дарахтзорлар барпо этишга аҳд қилган. Шунингдек, янги ариқлар қазиш ва эски ариқларни тозалаш ишлари давом этмоқда.

*Термизнинг 2500 йиллигига*

## ДАРЁ БЎЙИДАГИ ШАҲАР

***Зардуштийларнинг нодир китоби «Авесто» (эрамиздан аввалги VII аср)да Термиз номи «Тармида» шаклида, яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносида учрайди. Термизда оловпарастлик ибодатхонаси жойлашган бўлиб, бу шаҳар зардуштийликнинг Балхдан кейинги иккинчи ватани ҳисобланган.***

Зеро, «Шоҳнома» ва бошқа қадимий манбаларда тасвир этилган Жамшид, Хўжанд, Таҳмуррас, Зол, Пашанг, Рустам, Афросиёб, Исфандиёр, Суҳроб, Фарангиз, Сиёвуш каби номлар билан боғлиқ бўлган ҳикояларнинг мазмуни милоддан аввалги XIII-IX асрларга мос келади ва бу ривоятлар баёнида барча номлар қаторида Термиз номи ҳам сюжет ҳаракати билан боғланади.

Маълумки, Термиз Марказий Осиёнинг энг қадимги ва муҳим стратегик мавқега эга бўлган шаҳарларидан биридир. Амударё қирғоғида жойлашгани учун у азалдан кўрфаз-шаҳар саналарди. Бундан ташқари, Термиз Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлиб, турли ўлкаларни бир-бирига боғлаган табаррук замин ҳисобланар эди. Термиз сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳалигача маълум эмас. Аммо бу ҳақда кўп тахминий фаразлар мавжуд. Буларнинг ичида илмий жиҳатдан энг ишонарлиси «Авесто»да учрайдиган «Тармида» сўзидир. Бу сўз қадимги Бақтрия тилидан олинган бўлиб, юқорида таъкидланганидек, «дарё қирғоғидаги шаҳар» деган маънони билдиради.

XII асрда яшаб ижод этган араб саёҳатчиси ас-Самъоний «Қитоб ул-ансоб» асарида ёзишича, Термиз бундан минг йил муқаддам «Тармиз» шаклида талаффуз этилган. Абулқосим Фирдавсий эса X асрда шаҳарнинг номини унинг бугунги, яъни «Тирмиз» шаклида тилга олган. X-XII асрларда умр кечирган барча термизлик шоирларнинг, жумладан, Адиб Собир Термизийнинг шеърларида туғилиб ўсган ватани Тирмиз фахр билан тилга олинган. IX асрнинг сўнгги чораги ва X асрнинг биринчи ярмида яшаган сомонийларнинг улуғ вазири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад Жайҳоний (вафот этган йили 941) эса ўзининг «Ашвол ул-олам» асарида Термиз хусусида тўхталиб, уни Мовароуннаҳрнинг машҳур ва муҳташам шаҳри сифатида таъриф этади, шаҳар номини «Тирмиз» тарзида ёзади.

Юнон-Бақтрия сулоласи даврида Термиз буюк шаҳар даражасида тараққий топди. Хусусан, бу ерда ҳунармандчилик шуҳрат қозонди. Бу даврда чолғучилик ва мусиқа асбоблари тасвир этилган, улар тўғрисида маълумот берилган махсус тошбитиклар ҳатто савдога қўйилган. Бу ҳақда археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган ашёвий топилмалар ҳам гувоҳлик беради. Жумладан, М.Массон ва Т.Пугаченковалар томонидан шаҳар ва унинг атрофида олиб борилган археологик қазилмалар материалларига мурожаат қилинса, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Термизликлар қадим замонлардан буён бақтрияликлар билан бирга ўзларига хос бўлган урф-одат, эътиқод ва анъаналар асосида яшаганлар. Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда, аниқроғи, модийлар сулоласи даврида Термиз аҳолиси қуёш, ой, сайёралар, сув, шамол, ер, олов ва бошқаларга сажда қилиб, бутпарастлик анъаналарини қўллаб-қувватлаганлар. Шу тариқа улар тотемизм, анимизм ва бошқа политеистик динлар даврини бошдан кечирганлар. Оловга сиғиниш, уни эъзозлаш кейинги асрларда зардуштийлик дини орқали мустаҳкам тус олган.

I-II милодий асрларда Термизда яна буддизм анъаналари тарқалиб кетди. В.Бартольднинг ёзишича, бутпарастлик даврида Термиз ижтимоий ва маданий жиҳатдан катта ўзгаришлар ва муваффақиятларга эришди. Ҳатто у масофаси ва кенглиги туфайли ўша замонларда Самарқанд шаҳри билан тенг мавқега эга эди.

III асрдан бошлаб Термиз сосонийлар сулоласи ҳукмронлигига дуч келди. III асрдан кейин эса катта мустақил юртга айланди. Унинг сосонийларга бўйсунмайдиган мутлоқ ҳукмдори бор эди. Термизлик ҳокимларнинг лақаби «Термизшоҳ» эди. X аср тарихчиси ат-Табарий термизшоҳлар ва уларнинг давлатчилиги хусусида маълумот бериб ўтган. Унинг ёзишича, сосонийлар ва ундан кейинги даврларда термизшоҳлар мустақил ҳукмронлар бўлиб, уларнинг мустаҳкам ва гўзал қалъалари бутун атрофда шуҳрат қозонган.

(Давоми 4-бетда)

## Раҳимжон ота Абдуллаев:

# БУ БАХТНИ БИЗГА ИСТИҚЛОЛ БЕРДИ

Жорий йил юртимиз кекса авлод вакиллари учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Негаки, Қарияларни қадрлаш йилида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили Давлат Дастури тўғрисида»ги Қарорида алоҳида уқтириб ўтилганидек, ушбу тадбирлар «Кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг пенсия таъминотини такомиллаштириш, тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш борасидаги юмушларни янада кучайтиришга йўналтирилган. Бу борада Наманган туманида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Инсон ёши ўтгач эътиборталаб бўлиб қолади, - дейди Наманган тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Дилбархон Ҳошимова. — Нуронийларни эъзозлаш асосий бурчимиздир. Ўтган икки ой давомида тўрт юз нафарга яқин фуқарога салкам 6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, дам олиш уйлари, санаторийларга йўлланмалар, етти нафар фуқарога ногиронлар аравачаси, ўн тўрт нафар ногиронга махсус эшитиш аппарати олиб берилди.

Нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш туман ҳокимлигининг ҳамиша диққат-эътиборида. Жумладан, ўтган йили ўн нафар фуқаронинг турар жойлари бепул таъмирлаб берилди. Олийҳиммат кишилар раҳбар бўлган жамоалар ҳомийлигида ўн нафар қария хушманзара, баҳаво масканларда бепул йўлланмалар билан саломатликларини мустаҳкамладилар. Турли касб байрамлари, Ҳайит, Наврўз, Мустақиллик айёмлари муносабати билан пенсионерлар, ёлғиз яшовчилар, кексалар, ногиронлар бир пиёла чойга таклиф этилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, Осиё маданият ва тараққиёт институти вакилларининг 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармонлари кам таъминланган фуқаролар, ногиронларга бепул тарқатилди. 90 ёшни қоралаб қолган Ш.Абдуллаев, Т.Ҳасанова, Б.Холматова каби кўпни кўрган нуронийларимиз беминнат ёрдамдан миннатдор бўлиб мустақиллик берган имкониятларга шукроналар айтишяпти.

— Азалдан халқимиз олийҳимматдир, - дейди «Соҳибкор» ширкат хўжалиги фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Раҳимжон Абдураҳмонов. — Шу боисдан ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган энг яхши анъаналаримиз, миллий урф-одатларимиз истиқлол туфайли янгича мазмун билан бойимоқда. Туманимиз ва хўжалигимизда қарияларни қадрлаш борасида ўзига хос хайрли ишлар амалга оширилаётганидан беҳад мамнунмиз. Умрим кенг далаларда ўтди. Меҳнатимга яраша ҳурмат-эътибор топдим. Бугун ҳам туманда бўладиган турли тадбирларга таклиф қилиб туришади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ўрта бўғин раҳбарларнинг аксарияти шогирдларим эканлигидан фахрланаман. Тажрибамни ёшларга ўргатишга доимо тайёрман. Бу бизнинг ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонликларга амалий жавобимиздир.

Туман касаба уюшма қўмиталари ҳам қариялар йили учун махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Айниқса, Агросаноат мажмуи ходимлари, Соғлиқни сақлаш, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмиталари бу ишда ўрнак бўлмоқдалар. Улар ижтимоий таъминот бўлими, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан бирга Наврўз байрами арафасида ҳар бир маҳалла, ташкилот, жамоа хўжаликларида меҳр-саховат тадбирларини ўтказдилар. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, нуронийларга байрам совғалари улашдилар.

214 нафар уруш қатнашчиси ҳамда уларга тенглаштирилган 78 нафар фуқаро ва фронт ортида ишлаган 3 мингдан зиёд фахрий давлатимиз томонидан белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**





Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат ҳам изчил ривожланмоқда. Энг муҳими унинг изчил ривожланишида хориж сармояларининг жалб этилиши кутилган натижаларни бермоқда. Шунингдек, янги барпо этилаётган касб-ҳунар коллежларида келажагимиз бўлмиш ёшлар таълим олишмоқда.

*Суратларда: бугунги Элликқалъа ҳаётидан лавҳалар.*
**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

***Баҳорда Қизилтепа томонларга ҳеч йўлингиз тушганми? Сизни йўл-йўлакай Зарметан қатиғидан татиб кўришга таклиф этишади. Илтифотли мезбонни ранжитмайин, моҳир уй бекалари тайёрлаган тансиқ неъматдан баҳраманд бўлайин десангиз, йўқ, дея кўрманг. Қатиқмисан, қатиқда ўзиям.***

# ЮЗ ФОИЗ ГАЗЛАШГАН ҚИШЛОҚДА

Бундай қатиқ тайёрлаш сири фақат зарметанлик аёлларгагина аён. Уларга оналаридан, оналарига эса момоларидан мерос қолган.

Ана шундай оқлиги бор элнинг пок, дилкаш одамлари ҳам кўп.

— Зарметанда кам таъминланган оилалар сони қанча? - деган саволимизга «Зарметан» ширкат хўжалиги раиси Дилмурод Эргашев бироз ўйлаб жавоб берди.

— Бундай оилалар йўқ ҳисоби. Бизнинг одамлар меҳнат қилишни яхши билишади. Ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қадрига ета билади. Мана, ўзимдан мисол. Сиз эҳтимол раис сифатида хўжалик қозонига кўз тикиб тургандир, деб ўйларсиз. Текширувчилардан бири буни юзимга очиқ айтган эди. Фақат уч-тўрт кун ўтгандан кейин тушунди, раисман деб мўйлов бураб ётадиган замонлар ўтиб кетганини.

Ишонасизми, ҳар йили 10-15 бошгача қорамол боқаман. Оиламизда бекорчи йўқ. Ҳар куни 30-40 литр сут сотамиз. Бу ҳам рўзғорга барака киритмоқда. Озуқани ёз, куз ойларида Ўртачўл массивидан келтириб қўямиз.

Зарметанда ҳар бир хонадонда сигир бор. Аҳолининг асосий қисми хўжаликка қараб қолган эмас. Айниқса, кейинги йилларда кўпроқ савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, тадбиркорликнинг барча турлари билан шуғулланишаяпти.

Дарвоқе, хўжалик маркази жойлашган Азизободдаги ёпиқ бозор доимо харидорлар билан гавжум. Кўчанинг икки бетида шинам ва кўркам савдо расталари, маиший хизмат шохобчалари. Ҳамма ўз ишига, тирикчилигига шошади. Бекорчи йўқ. Хўжалик майдонлари ер билан тиллашадиган оилавий пудратчиларга тақсимланган. Ўтган йили улар режадаги 668 тонна ўрнига 745 тонна дон етиштириб, ҳосилдорликни 40 центнерга, пахта етиштиришни эса режадаги 2650 тонна ўрнига 2652 тоннага етказишди. Темир Раҳмонов, Қандиёр Раҳматов, Зулфи Алиев каби пудратчилар мусобақа пешқадами бўлишди. Пилла, мева, сабзавот, полиз, узум ишлаб чиқариш режалари ҳам ошиғи билан бажарилди. 8 миллион сўм одамларга қўшимча даромад сифатида тарқатилди. Даромаднинг бир қисмига ҳайдов тракторлари ва бошқа механизмлар харид қилинди.

«Меҳнатдан келса бойлик - турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, хўжалик марказида Хотира хиёбони қурилиши бошланди. Шу кунгача бу ерда 10 миллион сўмлик иш бажариб қўйилди. «Зарметан» қишлоғи марказида тиббиёт шохобчаси ҳам йил охиригача ишга туширилади. Унгача 125 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Эртага бу ерда қад ростлайдиган янги супермаркет, вилоятлараро спорт мусобақалари ўтказишга мўлжалланган ўйингоҳ, спорт зали энг замонавий лойиҳаларга асосланган.

Айтгандай, зарметанликлар спортга жуда ишқибоз. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича «Тўмарис ўйинлари», спорт мусобақасида вилоятда умумкоманда ҳисобида биринчи, Шаҳрисабзда ўтган республика биринчилигида эса олтин медал билан тақдирланишди.

Мустақиллик офтоби Зарметаннинг ҳар бир гўшасига зиё сочди. Хонадонлар юз фоиз газлаштирилди, аксарият қисми тоза ичимлик суви билан таъминланди. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида Реватун, Берешим, Роҳобод, Вахмкор қишлоқларига хўжалик ҳисобидан 10 километрли қувур тортилди. Йил охиригача қишлоқда сўнгги икки километрли таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, ҳар бир уйга тоза ичимлик суви етиб боради.

Йўлга эътибор элга эътибор белгиси. Истиқлол йўллари равон, йўловчига ҳамиша ғурур ва сурур, завқу шавқ улашиши керак. 3 километрли асфальт йўлнинг биринчи босқичидаёқ ана шу талабларга қатъий риоя қилинди. Йўлнинг икки четида йўлка қилиниб, унинг ёнлари гулзорга айлантирилди.

Оналар ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Ўтган йили 75 нафар камқонли аёлга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Юздан ошиқ ўғил-қизнинг ёзги оромгоҳларда дам олиши таъминланди. Ногирон йигит Жаббор Қурбоновга хўжалик ҳисобидан бепул уй-жой қуриб беришди. Қарияларга кўрсатилаётган иззат-ҳурматни яқинда бригадалардан бирида қариялар чойхонаси фойдаланишга топширилганидан ҳам билса бўлади.

«Зарметан»да ҳар йили Наврўзда бошланадиган меҳнат байрами умумхалқ шодиёналарига уланиб кетади. Бу анъана бу гал ҳам такрорланди. Катта майдонда байрам дастурхони ёзилиб, бир ёнда спорт беллашувлари, бир ёнда «Балли қизлар», «Қайнона-келин» кўрик-танловлари ўтказилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИМТИЁЗ

### ундан Қумқўрғондаги 2874 нафар ўқитувчи фойдаланмоқда

Қумқўрғон туманидаги 57 та умумтаълим ҳамда 9 та таянч мактабида 2874 нафар ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда. Уларга жамоа шартномаси асосида турли имтиёзлар, меҳнатларига қараб мукофотлар, қўшимча иш ҳақлари мунтазам бериб келинмоқда. Хусусан, 310 нафар кам таъминланган ўқитувчига касаба уюшма маблағларидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 57-умумтаълим мактабининг химия-биология ўқитувчиси Неъмат Жумаев, 23-умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси Тоши Бадалов ва бошқалар шулар жумласидандир.

*Ижтимоий ҳимоя*

Ўтган йилда 44 нафар соҳа ходими республикамизнинг энг сўлим сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тикладилар. Айни пайтда 2874 нафар ўқитувчининг ҳар ойда 110 киловатт электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви тўловидан имтиёзли равишда фойдаланаётгани ҳам ижтимоий ҳимоянинг ёрқин намунасидир.

Қўмитамизга меҳнаткашлардан келаётган турли мазмундаги аризаларнинг барчаси ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, 46-ўрта мактаб директори Жўра Бегимов ўқитувчи Ж.Мустафоқуловнинг 2001 йил август ойидаги касаллик варақасига, 57-умумтаълим мактаби директори Алиёр Мадартов ўқитувчи Замира Чориеванинг, 31-умумтаълим мактаби директори Юлдош Муродов ўқитувчи Илҳом Шоймуродовнинг касаллик варақаларига пул тўламай келганлар. Касаба уюшмаси аралашуви билан уларнинг қонуний ҳақлари ундириб берилди. 49-умумтаълим мактаби директори Зиёдулла Пардаевнинг асоссиз ишдан бўшатилганлигига ҳам туман қўмитаси қонуний асосларда ёрдам бериб, ўз ишига тиклади.

Меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳам ижтимоий ҳимоядан четда қолаётганлари йўқ. Касабақўм ташаббуси билан 7 нафар кам таъминланган ўқитувчининг фарзандларига 45300 сўмлик дарслик китоблари, ўқув қуроллари олиб берилди.

Яқинда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт тадбирларига ҳам қўмита муносиб ўз ҳиссасини қўшди. «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаларида I-ўринни эгаллаган 3-умумтаълим ўрта мактаби ўқувчилари жамоасига 50 минг сўмликка яқин спорт жиҳозлари совға қилинди.

**Дониёр МАДАРТОВ,**
**Қумқўрғон туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

***Гурлан туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.***

# ЗАМОНАВИЙ КАСБ ЭГАЛАРИ

Туман ва вилоят марказидан ўнлаб чақирим узоқликда жойлашган ушбу ўқув юртида юзлаб йигит ва қиз замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Коллеждаги амалий фанларнинг турли йўналишлари бўйича яхши жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер синфи, ишлаб чиқариш устахоналари ва спорт зали ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этилди.

Бу ерда нафақат гурланлик ёшлар, балки Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қўшни туманларида истиқомат қилувчи йигит-қизлар ҳам билим олиши мумкин.

**(ЎзА).**

# ЖАМҒАРМА ҲАМКОРЛИГИДА

Норин туманининг Тўда қишлоғи аҳолиси кўп ва зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади.

Қишлоқда Конрад Аденауэр жамғармаси Тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Швейцария агентлиги, Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркор-аёл" ишбилармон аёллар уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва тадбиркорликни информацион қўллаб-қувватлаш "Заковат" жамғармаси ҳамкорлигида "Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамияти барпо этиш асоси, уларнинг қишлоқдаги ислоҳотларни ривожлантиришдаги роли, деҳқон-фермер хўжаликлари ва тадбиркорликнинг янги шаклларини ривожлантириш" мавзуида семинар ўтказилди.

Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбернинг айтишича, йил давомида бундай семинарларни тез-тез ўтказиб туриш режалаштирилган.

**"Туркистон-пресс".**

# ФАЙЗИОБОДДА ШИФО МАСКАНИ

Олтиариқ туманидаги Файзиобод қишлоғида врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Етти мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатадиган шифо маскани туман ҳокимлиги кўмаги билан қуриб битказилди. Бу ерда аҳоли саломатлигини назорат қилиш ва тиклаш учун лозим бўлган барча даволаш бўлимлари мавжуд.

- Янгиқўрғон, Олтиариқ, Полосон, Азимобод қишлоқларида мана шундай тиббий муассасалар ишлаб турибди,- дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Тўйчибой Саримсоқов. - Йил охиригача қадар яна тўртта қишлоқ врачлик пунктини ишга туширишни режалаштирганмиз. Шу пайтгача қишлоқ амбулаторияларида 3-4 нафар врач ва ҳамшира ишлаган бўлса, янги шифо масканларида умумий амалиёт малакасига эга бўлган ўндан ортиқ врач аҳоли хизматида бўлади.

**(ЎзА).**

*Инсон ва қонун*

# РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтганидан сўнг раҳбарлар ўзларининг ҳар бир ўлчайдиган, қайси соҳада ишламасин, молиявий интизомни тўғри йўлга солишга интиладиган бўлиб қолдилар. Корхоналар, ташкилотларнинг иқтисодиётини кўтариш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган фаолият олиб бориш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини жаҳон андозалари талабларига кўтариш, хизмат қилувчи корхоналар ҳам ўз режаларини пухта олиб бориш, ўзларининг банкларидаги ҳисоб рақамларида айланма маблағларнинг мунтазам бўлиши, бу ўз навбатида корхонани молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш улар фаолиятининг моҳиятини белгилай бошлади.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси туман ҳудудидаги айрим корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг амалда бажарилишини текширишдан ўтказганида, аксарият корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот берувчи ходимлар Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорини бекаму кўст бажарилишини таъминлаш борасида, ички захираларни ишга солган ҳолда, маҳсулот тарқатиш, хизматлар кўрсатиш борасида олдиндан тўлов интизомига қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб боришлари натижасида бу корхоналарнинг банкдаги ҳисоб рақамларига мунтазам равишда маблағ келиб тушаётгани, ходимларга ойлик иш ҳақлари ўз муддатида, 2 ёшгача боласи бор оналар ҳам ўзларига тегишли бўлган нафақа пулларини вақтида олиб келаётганликлари аниқланди.

Лекин, бозор иқтисодиёти тамойилларини пухта ўзлаштириб олган раҳбарлар қаторида ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўя олмаётган, корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ўрнига, маҳсулотларни бажарилган ишларни аввалдан пул ўтказмасдан бериб юбориб, дебитор қарзларнинг кўпайишига имкон туғдириб, ходимларнинг 3-4 ойлаб маошларини бермасдан келаётганлар ҳам борлиги кишини ачинтиради.

Масалан, Бухоро шаҳридаги 2533-автокорхона нафақат вилоятдаги, балки, вилоят ҳудудидан ташқарида бўлган давлат ва нодавлат корхоналарга автомобил хизмати кўрсатади. Кўрсатиб келаётган хизматлар ҳақи олдиндан тўлов ўтказиш йўли билан йўлга қўйилганда, корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида маблағи бўлар, ходимларга иш ҳақи қонунда кўрсатилган муддатларда бериб борилар эди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154 (меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари) моддасида — иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги, меҳнат кодексининг 161 (меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари) моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, айрим корхоналар маъмуриятлари томонидан бу қонун талаблари доимий равишда бузилиб келинган, ходимларнинг иш ҳақлари бир неча ойлар мобайнида берилмаган. Оқибатда уларнинг Конституцион ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйилган.

Натижада ходимларга 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январ ойлари учун иш ҳақи ўз вақтида берилмаган, шу боис ходимлар олдидаги корхона қарзи 11 миллион 217 минг сўмни ташкил қилган. Автожамлама бошлиғи Ж.Насриддинов ва корхона бош ҳисобчиси А.П.Грачеваларга туман прокуратураси томонидан меҳнат қонунларини бузиш мумкин эмаслиги тушунтирилиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида маъмурий иш қўзғатилиб, корхона маъмурияти номига тақдимнома юборилди. 101 нафар ходимнинг ойлик иш ҳақларини ундириш борасида туман судига даъво аризалари қўзғатилди ва зудлик билан бу даъво аризалари туманлараро фуқаролик суди томонидан кўриб чиқилди.

2524-сонли автокорхона раҳбарларига ҳам масъулиятсизлик касали юққан экан. Бу автокорхонанинг ҳам ходимлар олдидаги қарзлари 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январ ойлари учун 3 миллион 508 минг сўмни ташкил қилганлиги аниқланди. Автокорхона бошлиғи Ф.Арипов ва корхона бош ҳисобчиси Т.Султоновларга ҳам маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг моддалари тушунтирилиб, корхонанинг 80 нафар ходимининг иш ҳақини ундириб бериш хусусида Ф.Хўжаев туманлараро фуқаролик судига даъво аризалари юборилди.

Бундайин қонунбузарликлар «Ўзқишлоқэлектрқурилиш»га қарашли 7-сон очиқ турдаги механизациялашган жамлама ҳиссадорлик жамиятида (корхона бошлиғи Ш.Нодирхонов ва бош ҳисобчи О.Абдураҳмонова), Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Бухоросувхизмат» акциядорлик жамиятида (жамият раиси М.Фармонов ва бош ҳисобчи Ф.Грачева), 61-автокорхона ҳиссадорлик жамиятида (жамият раиси М.Комилов ва бош ҳисобчи Х.Носирова), «Бухоро ипаги» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида (жамият раиси Г.Сафаров ва бош ҳисобчи У.Ҳуррамов) ҳам мавжуд эканлиги аниқланиб, бу корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига ҳам қонун талаблари тушунтирилди. Уларнинг ҳар қайсисига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига биноан 17.150 сўмдан жарима қўлланилиб, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини камситилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

«Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ходимларга иш ҳақлари 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январ ва феврал ойлари учун берилмасдан келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаганлик учун ойлик нафақа тўлаш тартибида ҳам қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйиб келинган ҳиссадорлик жамиятида ишловчи боласи икки ёшгача бўлган оналарга нафақа пуллари бир неча ойлар мобайнида берилмаган.

Ҳиссадорлик жамияти ва унинг филиалида ишловчи аёллар-оналарга муайян давр ичида жами 6 миллион 431 минг 996 сўм миқдоридаги нафақа пуллари берилмасдан келинган. Туман прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан лозим чоралар кўрилиб, икки ёшгача боласи бор оналарга тегишли нафақа пулларини зудлик билан бериш борасида туманлараро фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Ўз-ўзидан ўринли бир савол туғилиши мумкин: «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамиятининг раиси бош ҳисобчиси амалда бўлган қонун талабларини билмаганларми ёки республикамиз Президентининг ташаббуси билан ёш авлодни баркамол ва соғлом қилиб ўстиришга қаратилган чора-тадбирларни билсаларда, масъулият сезмасдан ғайриқонуний ҳолатларга йўл қўйиб келишган.

Президентимиз «Раҳбарлик лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар деганни ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак. Халқ ҳамиша ўз дастурхонига, туриш-турмушига қараб раҳбарнинг ишига баҳо беради...» деган сўзларини асло ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

**Ф.МАҲМУДОВ,**
**Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДА

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Ходимларга қайси ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати берилади ва уларни бериш тартиби қандай?***

***Меҳнат дафтарчасини юритиш тўғрисида ҳам тушунтириш бериб ўтсангиз.***

**Т.САИДОВА,**
**Ёзёвон туман марказий шифохонаси ходимлар бўлими бошлиғи.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат дафтарчасини юритиш тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун Сиз Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда 1998 йил 7 январда тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 29 январида 402- сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» (бундан кейин «Йўриқнома» деб юритилади) билан яқиндан таниш бўлишингиз зарур.

Меҳнат дафтарчаси ҳар бир ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир муассасада, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари бўлиши шарт ва беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ишга қабул қилинганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши назарда тутилган, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади. Меҳнат кодексининг 1 ва 5-моддаларига мувофиқ айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга хос меҳнат дафтарчаларини юритмаслик ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкаларини топиш ва уларни сотиб олиш муаммо эканлигини иш берувчи ёки ходимлар билан шуғулланувчи мутахассис томонидан баҳона қилиб кўрсатилиши ноўриндир. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан барча муассасаларни меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари билан таъминлаш «Маҳаллий меҳнат органлари» зиммасига юклатилган. Шунинг учун муассасанинг ходими «Маҳаллий меҳнат органи»дан меҳнат дафтарчасининг тоза бланкаларини пул ўтказилгандан сўнг олиб келиши зарур. Ишга кирувчига бундай вазифани юклаш қатъиян таъқиқланади.

Меҳнат дафтарчалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикаси давлат тилида мутасадди ходим томонидан ишга кирувчи иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига қуйидаги маълумотлар ёзилади:

ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги;

иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида. Ходимнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаганлик ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлари ҳақидаги ёзувлар ҳам киритилиши шарт. Меҳнат дафтарчасига киритилган ҳар бир ёзув билан мутасадди ходим дафтарча эгасининг Т-2 шаклидаги шахсий варақасини имзолаш йўли билан 3 кун муддат ичида таништириши лозим. Шахсий варақа ва меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар бир хил бўлиши даркор. Меҳнат дафтарчасига интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар ва меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) ёзилмайди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, меҳнат дафтарчаси ходимга фақат у вазифасидан озод қилинганда берилади. Бошқа вақтда, яъни пенсия тайинланишида ёки бошқа иш қидирмоқчи бўлганда меҳнат дафтарчаси унга берилмайди. Фақат ходимнинг илтимосига биноан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма берилиши мумкин. Пенсия тайинлашда барча ҳужжатлар билан бирга меҳнат дафтарчаси ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассис томонидан Ижтимоий таъминот бўлимига топширилиши керак.

Агар меҳнат дафтарчасида иш тўғрисидаги маълумотларга нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар киритилган бўлса, бунга йўл қўйган иш берувчи томонидан ўзгартирилади ва тасдиқланади. Муассаса тугатилган тақдирда, унда хатони унинг ҳуқуқий вориси, вориси бўлмаса, шу тугатилган муассаса бевосита бўйсунган юқори ташкилот тузатади. Гувоҳлар кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш учун асос бўла олмайди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим ўша куни ишда бўлмаса, иш берувчи ўша кунининг ўзида почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисида ходимга огоҳлантириш хати жўнатиши шарт. Акс ҳолда Меҳнат кодексининг 275- моддаси ва «Йўриқнома» талабига мувофиқ иш берувчининг айби билан ходимга меҳнат дафтарчасини бермаган барча кунлари учун ўртача ойлик ҳақи тўланади.

Агар ходим ишдан бўшатилгандан сўнг меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у ариза билан меҳнат дафтарчасини дубликатини ёзиб беришни сўраб охирги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли.

Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб бериши шарт. Кўрсатилган муддатда ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати берилмаса, Меҳнат кодексининг 275- моддасида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқади: Йўриқнома талабларига асосан янги меҳнат дафтарчалари, дубликатини беришда иш берувчи ходимдан қонунда кўзда тутилган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олинади.

Ўз меҳнат вазифаларини тўлиқ бажармаган ва бунинг оқибатида ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини тўлғазмаган ҳамда уларга меҳнат дафтарчасини бермаган ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисга иш берувчи Меҳнат кодексининг 181-182-моддалари асосида интизомий жазо чорасини қўллаши мумкин.

Меҳнат дафтарчаларини юритишнинг тўғрилигини доимий назорат қилиш касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифасига киради.

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**

# КЎПРИК ЯҚИНДА ИШГА ТУШАДИ





Туямўйин тўғонидан пастроқда қурилаётган кўприк Амударё дарёсининг икки соҳилини бир-бири билан улайди. Унинг устидан темирйўл воситалари ҳамда автоуловлар қатнайди. «Мискин» бекати йўл қурилишининг асосий нуқтасига айланади. Бу ерда Чоржўй-Қўнғирот ҳамда Учқудуқ-Нукус йўналишлари кесишади. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларидан келадиган поездлар шимолга Туркманистон ҳудудини четлаб ўтади. Бундай имконият транзит жараёнлари учун валюта тўловларини йўққа чиқаради.

***Суратларда: иншоотнинг илғор булдозерчиси Жумабой Парпиниёзов; устун трубаларни ўрнатиш пайти.***

**А.МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига кўра март ойида мамлакатимизда «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» деб белгиланди. Уни ҳар жиҳатдан намунали ўтишини таъминлаш мақсадида жойларда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир. Жондор тумани Автотранспорт воситаларини техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларини назорат қилиш инспектори, милиция катта лейтинанти Камол Ҳайитов бу борада туманда кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида тўхталди.

— Ҳукуматимиз Фармойишидан сўнг, тарғибот-ташвиқот ишларига аҳамият қаратилди. Бунда кўплаб йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, жамоатчилик инспекторлари, автоҳаваскорлар жамиятининг аъзолари фаол иштирок этмоқда. Ҳозирга қадар туман ҳудудидаги ўнлаб ташкилот ва автокорхоналарда қатор суҳбатлар ўтказилди. Айниқса, мазкур масала юзасидан туман ҳудудидаги 20 га яқин мактабларда ташвиқот ишларининг жонлантирилганлиги турли кўнгилсиз воқеалар келиб чиқишининг олдини олишга имкон бераяпти. Тарғибот-ташвиқот ишларини аҳоли гавжум бўлган жойларида ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, туман марказидаги Деҳқон бозорида, автошоҳбекатларда, марказий ўйингоҳда радио тармоқлари орқали тарғибот ишлари олиб борилди. Йўл патрули хизмати ходимлари билан бирга бир неча бор махсус рейдлар ҳам уюштирилди.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини аҳоли ўртасида тарғиб этишда А.Жумаев, И.Мўминов, М.Беҳбудова сингари ходимларнинг хизматлари бениҳоят каттадир.

Шунингдек, 2002 йилги давлат техник кўригини муваффақиятли ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлари асосида ҳам талайгина ишлар қилинганлиги эътиборга лойиқдир. Чунончи, туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча транспорт воситаларининг белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди. Айни кунларда ушбу жадвалга қатъий риоя этган ҳолда иш ташкил этилган.

**У.НАВРЎЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Тарих тилга кирганда***

# АРХИВ — МОЗИЙ КИТОБИ

***Архив — том маънода мозий китобидир. Ундаги битиклар асл нусхалиги, ҳақиқийлиги билан бошқа «асар»лардан фарқ қилади. Инсонлар тақдири, корхона ва муассасаларнинг фаолияти ҳақидами, қўйингки, пойтахтимиз тарихига, ўтмишига тегишли барча ҳужжатлар Тошкент шаҳар Давлат архивида мужассам.***

***Пойтахт архиви қарийб 30 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда ҳатто бир асрга тенг бўлган ҳужжатлар сақланаркан.***

— Бизда 501 та фонд, қарийб 200 мингга яқин турли даврга оид ҳужжатлар мавжуд, — дейди архив директори Феруза Дадаева. — Энг муҳими, баъзи юртдошларимиз ўзининг аждодлари ким бўлганлиги, қандай яшаб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам биздаги ҳужжатлардан билиб олишмоқда. Ана шундайлардан бири Марта Морозовадир. У шу пайтга қадар ўзи тўғрисида аниқ маълумотни билмас эди. Ниҳоят, шаҳар архивидаги ҳужжатлар орқали ўзлигини топди. У асл ватани Германия, исм-шарифи Марина Арькова эканлигини аниқлади. Бир умрли орзуси ушалди.

— Энди армоним йўқ, қариндош-уруғларимни топдим, — дея кўзларида ёш қалқиди она юртига кетар чоғида. — Мен ўзбек халқидан бир умр қарздорман. Бағри кенг Ўзбекистонни эса ҳеч қачон унутмайман.

Архивга мурожаат қилувчиларнинг сони ҳукуматимизнинг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Қароридан сўнг янада ортди. Айниқса, қатағон қилинганлар, ер, мол-мулки тортиб олинганлар тўғрисида ҳамда II жаҳон уруши ва Тошкент зилзиласи даврига оид ҳужжатлар билан кўплар қизиқишмоқда. Ҳаттоки, хорижлик олимлар, тадқиқотчи ва журналистлар ҳам эътибор қаратишаётир. Жумладан, америкалик тарихчи олим Пол Странц эски Тошкент обидаларию меъморчилик тарихи тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишмоқда.

Бундай кишилар талайгина. Ҳамшаҳарларимиз Маҳбуба Юнусова, Ўткир Қосимовлар ҳам аждодлари тўғрисидаги маълумотларни билиб олишди.

— Асосий вазифамиз пойтахтимиздаги корхона ва муассасаларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишдир, — дея қўшимча қилди Ф.Дадаева. — Айниқса, «Архивлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан сўнг, турли соҳа кишиларининг диққатини тортдик.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Ташаббус ўлмасин, ташаббус сўнмасин***

# ФЕРМЕР ГУЗАР ҚУРМОҚЧИ

Турсунбой бобо Козимов хўжаликда бир неча йил ҳайдовчилик қилиб, кишилар узоғини яқин, оғирини енгил қилганлиги учун ҳам бугунги кунда уни барча бирдек ҳурматлайди. Нафақага чиққач, кунини бекор ўтказмаслик учун ташландиқ ерни ўзлаштириб, деҳқончилик қилаётганига ҳам бир неча йил бўлди. У айниқса, Қамаши қишлоғида яшовчи «Шавкат» фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Турсуновдан миннатдор.

— Умридан барака топсин, - дейди Турсун бобо қўлларини дуога очар экан. - Кексайганимда Шавкатга ўхшаш саховатпешалар борлиги учун қийинчиликка дуч келмаяпман. Ташландиқ ерни ўзлаштиришда шу йигит ёрдам қилган. Оила аъзоларим ҳолидан ҳам доимий равишда хабар олиб туради. У нафақат бизга, қишлоқдаги барча ночор оилалардан кўмагини аямаётир.

Дарҳақиқат, Шавкат Турсунов Касби туманида фермер сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга кўпгина мурувватли ишларни ҳам амалга оширмоқда. 1992 йилнинг март ойида ташкил этилган фермер хўжалигини ривожлантириб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қўшимча иш ўринлари яратиб, фаровонликка ҳисса қўшаётганлиги фикримизнинг далилидир. Фермер хўжалигида 20 нафар мавсумий, 12 нафар доимий ишчилар меҳнат қилади. Уларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 20-25 минг сўмга тўғри келяпти.

30 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер ҳар йили режаларни ошириб уддалаб келаётир. Қишлоқдаги тегирмон, савдо дўкони ҳам ана шу фермер хўжалигига қарашли. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкон орқали арзон нархда сотилмоқда.

— Ўтган 2001 йилда режадаги 32 ўрнига 51,3 центнердан пахта етиштириб, 6 миллион 415 минг сўм даромад қилдик, - дейди Шавкат Турсунов. - Ғалла ҳосили ҳам чакки бўлмади. Гектарига 42 ўрнига 50,4 центнердан тўғри келди. Йил якуни сарҳисоб қилинганда умумий даромадимиз 13 миллион 910 минг сўмга етибди.

Фермер хўжалигида ишлаб топилган маблағнинг бир қисми хайрли ишларга сарфланмоқда. Хусусан, қишлоқ кўчалари ободонлаштирилиб, мактаб ва болалар боғчасига ҳам яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Олий даргоҳда таълим олаётган 2 нафар талаба фермер оталиғида.

Келгусида Шавкат ака қишлоқдаги «Хўжаки» маҳалласида замонавий маҳалла гузари қуриш ниятида. Кичик цех ташкил этиш ҳам фермер режасига киритилган.

Дарвоқе, вилоятда ўтказилган «Ташаббус-2002» кўрик танловида иштирок этган Шавкат Турсунов «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича вилоят фермерлари орасида ғолиб бўлиб, республика босқичида ҳам иштирок этишди.

**НУРБЕК.**

Инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёҳванд моддаларни етиштириш, сақлаш ва тарқатишга қарши муросасиз курашиш Ўтган йили гиёҳванд моддалар билан боғлиқ 7 мингдан ортиқ ҳолат аниқланиб, жиноятчилардан олинган ашёлар йўқ қилингани фикримизни тасдиқлайди. Аммо...

## ОЛАЗАРАК БЎЛАЁТГАН КИМ?

Денов туманидаги жамоа хўжаликларидан бирида яшовчи Сайдулла Қодиров ҳамда унинг шериги Ёркин Ҳайитовлар 1 килограмм 535 грамм заҳриқотилни 6 миллион сўмга сотаётганида ушланди.

Шунингдек, Ургут туманидаги Наврўз жамоа хўжалигида яшовчи Мавлон Асилов бошқарувидаги «ВАЗ—2106» русумли автомашина тўхтатилиб текширилганида унинг йўловчиси Денов шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Баҳодир Жавлиевнинг сумкасидан 900 грамм героин олинди.

Ачинарлиси, баъзи бир кимсалар шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасдан гиёҳванд моддаларни қўшни республикалардан мамлакатимизга олиб кириб, уни тарқатишга уринмоқдалар. Ховос туманида Тожикистон Республикаси фуқароси Зуҳро Ғофурова тўхтатиб текширилганида, целлофан халтага ўралган 500 грамм героин топиб олинди. Дастлабки суриштирув жараёнида эса унинг харидор излаб юрганлиги маълум бўлди. Ёки Бекобод туманида қозоғистонлик Саҳобиддин Саломов тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганида унинг ёнидан 971 грамм героин топилди. Ушбу ҳолатлар юзасидан терговҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## МУҲОКАМАДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Петербург шаҳрида махсус хизмат идоралари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг халқаро конференцияси иш бошлади. Унда 39 мамлакат вакиллари иштирок этмоқдалар. Мазкур анжуманда башарият олдида турган долзарб муаммолар — умумий тинчлик ва хавфсизлик, трансатлантик таҳдид, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва гиёҳвандлик контрабандасига қарши кураш сингари масалалар муҳокама этилмоқда.

## ҲАМОН НАТИЖА ЙЎҚ

АҚШ президентининг махсус вакили Энтони Зиннининг Яқин Шарққа сафаридан кўпчилик ижобий натижалар кутишган эди. Хусусан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш тамойилини жойидан қўзғатиш, Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги қарама-қаршиликларни сусайтириш ва ижобий йўлга солиш, пировардида тинчлик музокаралари ўтказишга асос яратиш мумкин деб тахмин қилинган эди. Бироқ, Э.Зинни ҳомийлигида Исроил билан Фаластин маҳфий хизматлари ўртасида бир неча бор музокаралар бўлиб ўтди. Аммо томонларнинг бир-бирига ён босмасликлари натижасида бирон-бир арзигулик самарага эришилмади.

Эндиликда Лубнон пойтахти Байрутда араб давлатлари саммити ўтказилиши муносабати билан Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг унда иштирок этиши ҳам мавҳум бўлиб турибди. Чунки Исроил томони уни Рамаллоҳ шаҳридаги қароргоҳидан ташқарига чиқармоқчи эмас. Бироқ, АҚШ ҳамда Россия сингари мамлакатлар раҳбарлари Ёсир Арофат Байрут анжуманида иштирок этиши керак ва унинг барча масалаларга нисбатан нуқтаи назарини билиш лозим, деб ҳисобламоқдалар.

## БАҲО ИЖОБИЙ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари АҚШ президенти Жорж Бушнинг яқинда Жанубий Америка мамлакатларига қилган қисқа муддатли ташрифи натижаларини муҳокама қилмоқда. Оқ уй раҳбари сафар чоғида Салвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Коста-Рика, Панама сингари давлатлар президентлари билан учрашиб, Марказий Америка минтақаси билан АҚШ ўртасидаги эркин савдо макони, мухожирлик ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олган эди. Шарҳчилар Ж.Буш сафарига ижобий баҳо бермоқдалар.

## НАМОЙИШДАН ҚАМОҚХОНАГА

Бангладешда мухолифатдаги Халқ лигаси партиясининг 50 нафар аъзоси ҳукуматга қарши намойишда иштирок этгани учун ҳибсга олиндилар. Хабарларга кўра, намойиш ҳукуматнинг жамоат жойларида миллий-озодлик ҳаракати етакчиси Мужибур Раҳмон суратларини осишни таъқиқлаганидан норозилик сифатида уюштирилган. Давлат тўнтариши туфайли қурбон бўлган Мужибур Раҳмоннинг қизи айни пайтда ХЛ раҳбари Хасин Вазид 15 март куни ҳукумат сиёсатидан норози бўлиб, парламентни тарк этган эди.

## ЖАНЖАЛ САБАБЧИСИ — РЎМОЛ

Дания шаҳарларида рўмол масаласи кўплаб жанжалларнинг ва баҳсларнинг чиқишига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, чет эллардан келган мухожир мусулмон аёллар ишга қабул қилинмаётирлар, ишлаб турганлари эса ўз ўринларидан ажраб қолмоқдалар. Супермаркетлар ва катта дўконларнинг соҳиблари рўмолга ўралиб, касса ортида ўтириш харидорларни чўчитмоқда ва ранжитмоқда, деб ҳисобламоқдалар. Ўз навбатида келгиндилар эса бундай йўл тутиш диний тазйиқ ўтказиш, демократик тамойилларга зид тадбирдан бошқа нарса эмас, деб ўз ҳақ-ҳуқуқларини судларда ҳимоя қилишга уринмоқдалар.

## ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАДБИРИ

Афғонистонда толиблар ҳукмронлиги даврида, аниқроғи, 1996-2001 йилларда фуқароларга берилган паспортлар бундан буён ҳақиқий саналмайди. Муваққат ҳукумат яқинда шундай қарор чиқарди. Бу чора шундай паспортга эга бўлган террорчиларнинг мамлакатга келиши ёки чет элда эркин юришига тўсқинлик қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. 1996 йилга қадар берилган паспортларга эса махсус муҳр босиладиган бўлди.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

